

Қирғизистон масжидлари дезинфекция қилинмоқда



13:30 / 22.06.2021 1946

Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги масжидлар коронавирусдан оммавий равишда дезинфекцияланмоқда. Бу ҳақда 18 июнь куни Турмуш портали хабар берди.

Дезинфекция жума намозидан олдин амалга оширилади. Тадбир санитария-эпидемиология назорати ва шаҳар дезинфекция станцияси ходимлари томонидан ўтказилмоқда. Шаҳарда атиги 80 масжид бор, шулардан 41 масжидда жума намози ўқилади. Ҳокимият ҳар ҳафта жума намозидан олдин дезинфекция ўтказишни режалаштирмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади